Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 13 Август Чоршанба.
№ 63 (14455)

## ЭЪТИРОФ

**Ўзбекистонда қилинаётган ишлар бугунни ёки эртани кўзлаб қилинаётгани йўқ. Балки, келажакни кўзлаб улуғ ишлар қилинаяпти. Дунёнинг жуда кўп илғор мамлакатларида яшаб кўрган инсон сифатида биламанки, бирор жойда Ўзбекистондаги каби беқиёс қурилиш бўлганини ҳеч кўрмаганман. Бу қурилишлар келажакда ўз самарасини беради. Эшитишимча, нефтни қайта ишлаш заводи қурилаётган экан. Автомобиль заводи ишга тушганини биламан. Биргина Тошкентнинг ўзида давом этаётган қурилишларни кўриб, очиғи Ўзбекистонга ҳавасим келди. Фақат келажак учун ишлаётган, келажак учун яшаётган инсонгина буюк қурилишга бош бўлиши мумкин. Худо хоҳласа, Ўзбекистон буюк мамлакатга айланади.**

**Чингиз АЙТМАТОВ**

*Истиқлол-менинг тақдиримда*

## ЙЎЛИМИЗ РАВОН

Яқин йилларгача хорижий мамлакатларда ўқиш, ишлаш орзугина эди, холос. Бугун оддий деҳқоннинг фарзанди Олмония, Америкада... ўқимоқда. Халқимизнинг айтишича, отаси кўрмаганни боласи кўрмоқда. Бу жуда оддий мисол. Мен фақат мустақилликнинг бизга берган неъматидан бир шингил айтдим, холос.

Бугун одамлар ҳам бошқача фикрламоқда, одим ташламоқда. Деярли ҳар бир ташкилотда компьютер бор. Бундай мураккаб техника қурилмаларида дадил ишлаётган ёш йигит-қизларни кўриб кўзинг қувонади.

Бугун рус тилини билмасликдан қимтинишлар йўқ -- барча ташкилот ва идораларда иш ўзбек тилида юритилмоқда. Маънавий мулкимиз ҳисобланган ўзбек тилининг жаҳон тиллари қаторидан жой олаётганлигининг ўзиёқ кишини мамнун этади.

Барча йўналишларда, ўқув юртларида имконият яратилди, мустақиллик кишилари, фарзандлари ўзининг кимлигини, нимага қодирлигини кўрсата биладиган ва уни тан олувчилар борлигини ҳис қиладиган пайт келди.

**Г.ЧИНИҚУЛОВА,**
**банк ходими.**
**Самарқанд**

## МИННАТДОРМИЗ

-- Қирқ ёшдан ошдим, уч фарзанднинг отасиман. Агар бундан олти йил олдин, яъни мустақиллик ҳали қўлга киритилмаган даврда киндик қони тўкилган ердан уй-жой қуриш учун ер оламан деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Тақдир экан, қаранг, ўзлари эшикдан кириб келиб оилам учун ер ажратилгани, тағин қаердан денг, Ўрикзордан жой берилганини айтишганда мендан бахтли инсон йўқ эди. Ўзим Катта Қаъни мавзесида таваллуд топганман. Мана, бугун Ўрикзорда минглаб хонадон истиқомат қилади. Иккита боғча, мактаб, салобатли бинога жойлашган мачит, бир неча дўконлар аҳоли хизматида. Ҳа, 4-5 йил ичида шундай катта аҳоли мавзеси қад кўтарди. Гапнинг очиғи, ҳар бир ўзбек иморат қуришнинг мушкуллигини билади. Мавзедаги кенг ва чиройли кўчалар, шинам ва қаватли хусусий иморатларни қуриб битказишни ўзи бўлмади. Шахсан юртбошимизнинг ўзи ўрикзорликларни қурилиш материаллари билан таъминлашни назоратга олганликларини биз бир умр унутмаймиз. Ўша пайтда яна ҳар бир оилага катта миқдорда ёрдам пули берилди. Кўпчилик ана шу ссуда туфайли иморатини тиклаб олган. Буларнинг ҳаммаси истиқлол шарофати туфайли деб биламан.

**Илёсхон Йўлдош ўғли**

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Бухоро шаҳрининг Тўқимачилик туманига қарашли 18-Нақшбанд ҳамда 6-Намозгоҳ маҳаллаларида ''Камолот'' жамғармаси Бухоро шаҳар бўлими ташаббуси ва ҳомийлигида шаҳар Ички ишлар бўлими, прокуратура, соғлиқни сақлаш бошқармаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар тарбияси муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Иштирокчилар ёшлар тарбиясида кенг жамоатчиликнинг тутган ўрни, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишда жисмоний тарбиянинг роли катта экани алоҳида таъкидланди.

Учрашув ниҳоясида кам таъминланган ёш оилаларга совғалар улашилди.

**Собиржон ДАМИНОВ**



*Йиллар баҳси*

**Қадимдан бизгача эзгулик тимсоли бўлмиш улуғ бир анъана,одат мерос бўлиб келди.Бу-ичу ташқи кўриниши, мустахкамлиги, мухташамлиги билан ҳар қандай кишини лол қолдирувчи бинокорлик-меморчиликдир.Неча асрлардан бери қад кўтариб турган Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси ҳамда пойтахтимизнинг мухташам биноси бўлмиш "Чорсу"меҳмонхонаси ҳунарманд бунёдкор халқимизнинг улуғ меҳнатининг ёрқин намунасидир.**

## САДОҚАТ

***Сиз суратда кўриб турган йигит замондошингиз Исмат Раҳмонқуловдир. У Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 21-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Оддий оила фарзанди. Эл қатори яшаб, меҳнат қилаётган бу йигитни бутун бир ҳудудда яхши танишади. Касбига садоқатлилиги, ишига куюнчаклик билан қараши, ҳалоллик ва ростгўйлик унинг асосий фазилатларидан бири.***

***— У баъзи бир кишилар сингари кўпроқ пул топиш, мол-дунё орттириш илинжида ишдан ишга сакраб ёки қинғир тижорат ишларига ўзини ургани йўқ, — дейишади автокорхона раҳбарлари. — Исматнинг касбига садоқатлилиги бошқалар учун намуна бўла олади.***

***Бугунги кунда тумандаги 21-автокорхона меҳнат жамоаси И. Раҳмонқулов сингари ёшларнинг фаол ва ҳалол меҳнатлари туфайли мустақилликнинг олти йиллигини юқори кўрсаткичлар билан кутиб олмоқда.***



**Суратда: ҳайдовчи Исмат РАҲМОНҚУЛОВ**

## Истеъдод соҳибларининг бурчи

11 август куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Мажлисни уюшма раиси, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов бошқарди. Унда давлатимиз мустақиллигининг 6 йиллик байрамига тайёргарлик, халқимизнинг маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида қаламкашлар олдида турган вазифалар ҳақида гап борди.

Мустақиллик байрами - халқимизнинг асрий орзу-умидлари, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар армони рўёбга чиққан қутлуғ байрамдир. Уни юртдошларимиз тинчлик ва осойишталик қарор топган, аҳиллик ҳукм сурган шароитда кутиб олмоқдалар. Бу эса адабиёт ва санъатни ривожлантиришга омил бўлаётир.

Мамлакатимизда Х11 халқаро Тошкент Кинофестивалининг муваффақиятли ўтгани, «Жаҳон адабиёти» журналининг нашр этила бошлагани, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқий фестивалининг ўтказилиши ва бошқа тадбирлар бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

Йиғилишда таъкидландики, ўтиш даврининг муваққат мураккабликларига қарамай, йўлбошчимиз Ислом Каримов фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Қалам соҳибларининг бугунги кундаги вазифаси эса ана шу ғамхўрликка жавобан мустақиллик ғояларини ватандошларимиз онгига сингдириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий баркамол инсонлар бўлиб етишишига эхтиросли сўз билан кўмаклашишдан иборатдир.

Мажлисда ташкилий масала ҳам кўрилди. Шоир Муҳаммад Юсуф Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари этиб сайланди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов сўзга чиқди.

*1997 йил—Инсон манфаатлари йили*

## ЁШ ИЖОДКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Мустақиллик байрамини меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш яхши анъанага айланиб қолди. Қутлуғ айёмни республика Давлат матбуот қўмитаси ҳам ўзининг муносиб тўёналари билан қарши олмоқда. Айниқса, Инсон манфаатлари йилида республикамиз ижодкорлари, хусусан истеъдодли ёшларга катта ғамхўрлик кўрсатилди. 34 нафар ёш шоир ва носирнинг мазмунан пухта, матбаа ижроси жиҳатидан юқори сифатли, жозибадор китоблари қўмита тасарруфидаги нашриёт ва корхоналар ҳомийлигида дунё юзини кўрди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, бу тўпламлар муаллифлари орасида юртимизнинг олис туманларида яшаб ижод этаётган истеъдодли ёшлар талайгина. Улар бугунги эркин ижод, яратиш завқи, ҳур истиқлолимиз ҳақида тўлиб-тошиб куйлашади.

Истеъдодли шоирлар Фахриёр, Ғулом Мирзо, Дилшод Ражаб, Вафо Файзулло, Амир Нарзулло, Жуманазар Нуриммат, Зебо Мирзаева, Саодат Пўлкановaнинг шеърий тўпламларида ҳам Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғулари рангин бўёқ ва дилбар оҳангларда жилваланади. Ўйлаймизки, бу тўпламлар ёшларга ҳам, мустақиллигимизнинг қутлуғ олти йиллигига ҳам муносиб туҳфа бўлади.

**/ЎзА/**

## Сиз кутган суҳбат




***Сир эмаски, Мустақиллик шарофати билан юртимизда мисли кўрилмаган оламшумул ўзгаришлар юз берди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари'' миллий авиакомпаниясининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ижобий ўзгаришлар самараси десак хато қилмаган бўламиз. Ўзбек учувчиси бугун жаҳоннинг турли бурчакларига парвоз қилмоқда. Қолаверса таҳририятимизга келаётган мактублар аксарият ёшларимизнинг ана шу касбга қизиқишлари кучли эканидан дарак бермоқда.***

***Ёшларга бу борада маълумот бериш, уларнинг фикр-ўйларини фойдали томонга йўналтириш, касб-кор танлашда уларга кўмакдош бўлиш ниятида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист ХОЛИДА АҲРОРОВА "Ўзбекистон ҳаво йўллари'' миллий авиакомпаниясининг Бош директори вазифасини бажарувчи моҳир учувчи АРСЛОН РЎЗМЕТОВ билан суҳбатлашди.***

***-- Учувчилик ажойиб касб -- ёшлигида учувчи бўлишни орзу қилмаган йигитлар кам албатта. Лекин "Ўзбекистон ҳаво йўллари'' деганимизда менинг кўз олдимга учувчиликдан ҳам бўлак қатор касблар гавдаланади. "Ўзбекистон ҳаво йўллари'' -- "ЯК-40'', "ИЛ-76'', "ТУ-154'', "А-310'' ва ҳатто яқинда машина паркига қўшилган "БОИНГ-767'' каби қатор самолётларни осмону фалакка кўтариб, минглаб йўловчиларни ер куррасининг турли пучмоқларига элтгувчи, ўзингизнинг сўзингиз билан айтадиган бўлсак, Осиёдагина эмас, балки жаҳонда қудратли саналган авиакомпаниялардан. Шундай бўлгач, бу самолётларни кўкка кўтариш ва эсон-омон ерга қўндириш учун ерда ҳам қанча-қанча турли хизмат кўрсатиш керак. Истардимки, авиакомпаниядаги меҳнат жараёни қаердан ва нимадан бошланадию, нима билан тугалланади, буни амалга ошириш учун қандай хизматлар зарурлиги ҳақида газетамиз мухлисларига маълумот берсангиз..***

-- Биласизми, самолётни кўкка кўтариш ва эсон-омон ерга қўндириш учун жуда кўплаб мутахассислар баҳамжиҳат меҳнат қилишади. Улар орасида учувчиларни алоҳида таъкидлаш зарур. Аваллари чиқарилган самолётларда кема сардоридан ташқари, иккинчи учувчи, бортмуҳандис, штурман, радист биргаликда парвоз қилса, замонавий самолётларни асосан иккинчи учувчи муҳандис бошқаради. Улар компьютерлардан кенг фойдаланиш имконига эга. ЭҲМлар парвознинг бехатар ва камчиқим бўлиши учун тавсиялар беради, кеманинг барча ускуналари ишини назорат қилади ва бошқаради. Бундай шароитда учувчининг иши фақат кузатишдангина иборатдай туюлади. Лекин аслида айнан мана шу кузатишнинг уддасидан чиқа олиш маҳорат ва чуқур билим талаб қилади. Бунинг учун жуда кўп ўқиш, машқ қилиш шарт. Компьютерлар қанчалик ақлли бўлмасин, улар инсон измига бўйсунади, уларни инсон бошқаради. Бундан ташқари ҳавода кема ўзини яхши тутиши учун ердаги қатор мутахассислар ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Масалан, авиатехниклар кемага парвоздан аввал ва кейин техник хизмат кўрсатишади, зарур ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашади, мавжуд асбоб-ускуналар, жиҳозларнинг соз бўлишини кўздан кечириб, эҳтиёж туғилганда уларни созлаш, таъмирлаш билан шуғулланишади. Кема саҳнидагилар меҳнати кўп жиҳатдан ердан олинадиган маълумотларга боғлиқ. Шу боисдан ҳам радиотехникларнинг масъулиятини эътироф этиб ўтиш зарур. Ҳавода ҳаракатни бошқариш тизими етакчи тизимлардан бири.

***-- Мустақил давлатимизга лочинлар керак, деймиз. Лекин ҳамма ҳам учувчи бўла олмайди. Бунинг учун мустаҳкам саломатлик ва лаёқатдан ташқари ниҳоятда чуқур билим ҳам керак. Учувчи бўлишни истаганлар қаерга мурожаат қилишлари керак? Ва умуман ҳаётини ҳаво йўллари хизматига бахш этишни ният қилган ёшларга бир мураббий сифатида қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?***

-- Учувчи бўлишни хоҳлаган ёшлар, албатта, мустаҳкам соғлиққа эга бўлиши шарт. Ҳар йили ёзда биз фуқаро авиацияси соҳасининг турли йўналишлари бўйича кўплаб ёшларни ўқув юртларига ўқишга таклиф этамиз. Жумладан, Тошкентда имтиҳон топшириб, сўнгра Ульяновск олий учувчилар билим юртида, Кировограддаги фуқаро авиацияси академиясида, Киев фуқаро авиацияси халқаро университетида ўқиш мумкин. Бу билим масканлари учувчи муҳандислар ҳамда ҳаракатни бошқарувчилар ва бошқа ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Шунингдек, Тошкент Давлат авиация институти, авиация коллежи, алоқа муҳандислари институти, радиотехникум каби ўқув юртлари ҳам бизга ўринбосар тайёрлашга ҳисса қўшади. Саломатликка, жисмоний чиниқишга, турли фанлар, айниқса аниқ фанлар ва тилларни яхши ўзлаштиришга эришган йигитларга мазкур билим даргоҳларининг эшиклари ланг очиқ. Энг муҳими, танланган касбга муҳаббат бўлиши зарур деб биламан.

***-- Йигитларга хос касблар ҳақида чиройли ҳикоя қилиб бердингиз. Қизларимиз-чи? "Ўзбекистон ҳаво йўллари'' деган катта даргоҳдан улар ҳам ўзларига ўрин топа оладиларми?***

-- ''Авиакомпания ва қизлар'' мавзусида сўз борса, албатта борткузатувчилар, яъни парвоз бекалари тилга олинади. Бежирим ва чиройли либос кийиб, самолёт саҳнида йўловчилар ташаккурига сазовор бўлган қизларимиз талайгина. Аммо улар орасида маҳаллий миллат вакиллари камроқ. Дарвоқе, бортда хизмат кўрсатиш бўйича жуда кўп йўловчилар, шу жумладан хорижликлар ҳам, қизларимизга тасанно айтишади. Шунингдек, қизлар авиация фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган метеорология соҳасида ҳам ўз бахтларини топишлари мумкин. Аэропортлардаги кўплаб хизматларда аксарият аёллар меҳнат қилишади. Масалан, чипта сотиш, йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, хабарларни эълон қилиш ва ҳоказо.

***-- Сиз мамлакатимиз миллий авиакомпанияси раҳбарлигидек масъулиятли вазифани бажариш баробарида ҳамон самолёт бошқарасиз. Бу қийинлик қилмайдими?..***

-- Болалигим ўтган Урганчда биз яшайдиган уйга яқин жойда ДОСААФ тўгараги бўлгучи эди. Ўз вақтида бу тўгараклар биз гўдакларнинг онгимиз, қизиқишларимизнинг шаклланишида катта хизмат кўрсатган. Беш яшарлигимдан бошлаб шу клубда кечгача қолиб кетардим. Фанердан ясалган енгилгина планерларнинг учишини маҳлиё бўлиб кузатардим. Фазога муҳаббат, учувчиликка муҳаббат қалбимда ўша кезларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Ўша мен қатнашган тўгаракларда ажойиб мураббийлар бор эди. . Менга қолса, ҳозир ҳам ўшандай тўгаракларни ташкил этиш керак...

Шу йўсин мен учувчи бўлиб кетдим. Ваҳоланки, отам билан онамлар менинг ҳуқуқшунос бўлишимни исташарди. Боя айтиб ўтганимдек самога, учувчиликка бўлган муҳаббат мени Бугуруслан шаҳрига олиб кетди ва мен у ерда учувчилик билим юртида ўқидим. Ўқишни тамомлагач Самарқандда «АН-2» самолётида иккинчи учувчи бўлиб ишлай бошладим. Биз бу самолётда далаларга ўғит сочардик...

Бу ўртада мени Қаршига ишга юборишди. Бажармаган юмушимиз қолмади, беморга тез ёрдам кўрсатишдан тортиб, йўловчилар узоғини яқин қилишгача вазифамизга кирарди. Ҳозирги кунда Қарши чўлларининг гуллаган воҳага айланганини кўрганимда қалбимда ифтихор жўш уради. Негаки бунда шахсан ўзингнинг ҳам ҳиссанг борлигини ҳис этиш бир бошқача нашъа беради дилингга. Хуллас, ҳозирги даражага поғонама-поғона кўтарилдим. Ҳар поғона катта мактаб бўлди мен учун. Тўғри ''Ўзбекистон ҳаво йўллари'' миллий авиакомпаниясини бошқариш вазифаси кишидан ҳам жисмоний, ҳам ақлий катта сафарбарликни талаб қилади.

Раҳбарлик ишини самолёт бошқариш иши билан бирга олиб бориш масаласига келсак, бунинг иш юзасидан ўзига хос манфаати ҳам бор. Манфаати шундаки, бошлиқ сифатида авиапаркнинг ҳолатини чуқурроқ англайсан, зарурат туғилганда ишни қаердан бошлашни яхши тушунасан. Яна такрор айтгим келади, учувчилик касбимни жондан севаман. У билан фахрланаман.

***-- Арслон Ғоибович, ҳаётингизнинг асосий қисми Ўзбекистон ҳаво йўллари билан туташ. Тажрибали мутахассис, қатор фарзандлар ва набиралар отахони сифатида ҳам улуғ байрам арафасида ёшларга қандай тилаклар билдирасиз?***

-- Ёшларга ҳамма вақт умид ва ишонч билан қарайман. Ёшлар оиланинг, қолаверса мамлакатнинг ишонган боғи, суянган тоғи. Оила ҳам, мамлакат ҳам келажагини ёшлар билан боғлайди. Мен ҳам шундай. Ҳозирча менинг бир ушалмаган орзуим бор: у ҳам бўлса ёшлар авиацияга келса... Ҳаммага аён: мустақил юртимиз ҳозир йирик авиация давлати даражасига чиқиб олган. Жаҳонда беш самолётсоз давлат бўлса: Америка, Германия, Россия ва Украинадан сўнг Ўзбекистонимиз бешинчи йирик авиация давлатидир. Диёримизда самолётсозлик ва таъмирлаш заводлари ҳам бор. Ҳар қанча фахрлансак арзийди, тўғрими? Бу ўз-ўзидан учувчи мутахассисларни кўпайтиришни талаб қилади. Аммо афсус, ўзбек йигитлари учувчилик мактабига камроқ келишяпти, қизларимиз борт кузатувчиликка унчалик қизиқмаяпти. Ваҳоланки бу иккала касб бир жиҳатдан мустаҳкам саломатликни талаб қилса, иккинчи тарафдан инсоннинг маънавий камолоти йўлида ўзига хос босқич бўлади, унга оламни танитади. Америкага сафарга чиқиладиган, бошқа чет мамлакатга училадиган бўлса, учувчилар ва парвоз бекалари уч кун мобайнида ''Ўзбекистон ҳаво йўллари'' ҳисобидан яшайди. Иш ҳақи ҳам яхши... Ушбу мулоқотдан фойдаланиб, ёшларни ''Ўзбекистон ҳаво йўллари''га хизматга даъват этаман.

***-- Мароқли ва самимий суҳбатингиз учун газета мухлислари ва ўз номимдан ташаккур билдираман.***

